«КАМОЛОТ» ЁШЛАРИМИЗНИНГ ЧИНАКАМ СУЯНЧИ ВА ТАЯНЧИ БЎЛСИН!

Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

Turkiston

1925 yildan chiqa boshlagan

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI «KAMOLOT» YOSHLAR IJTIMOIY HARAKATINING GAZETASI

2002-yil 25 aprel, payshanba
№ 51 (14542)

Ҳаракатнинг асосий вазифаси — ёшларни бирлаштириш, соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашига кўмаклашишдан, уларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишдан иборат бўлиши даркор.

Ислом КАРИМОВ

«УМИД НИҲОЛЛАРИ» СПОРТ ЎЙИНЛАРИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Азиз ўғил-қизларим!

Аввало, барчангизни гўзал ва бетакрор диёримизнинг олтин водийси бўлмиш Фарғонада спорт ва ёшлик байрами — "Умид ниҳоллари" мусобақалари бошланиши муносабати билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Табиийки, дунёдаги ҳар қайси ота-она, ҳар бир миллат ва халқ ўз фарзандларини соғлом ва баркамол қиёфада кўришни орзу қилади. Сиз ёшларнинг тимсолингизда биз буюк келажагимиз бунёдкорларини, юксак мақсад-муддаоларимизни ўзида мужассам этган, халқимизнинг ҳақиқий умиди, таянчи бўлган соғлом ва баркамол авлодни кўрамиз ва фахрланамиз.

Бугун тантанали суратда бошланаётган "Умид ниҳоллари" ўйинлари — ёшларни спортга жалб этиш бўйича мамлакатимизда яратилган яхлит тизимнинг мухим узвий босқичи сифатида — барча мактаб ўқувчиларини қамраб олаётгани, айниқса, эътиборга сазовордир. Бу эса, жисмоний тарбия ва спортни жамиятимизда кучли оммавий ҳаракатга айлантиришдек эзгу мақсадни изчиллик билан амалга оширишда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Қадрли фарзандларим!

Сизларнинг чуқур, замонавий билимлар олиш ва маънавий юксалиш билан бир қаторда, спорт мусобақаларида қатнашишингиз, қизғин кураш ва беллашувларда жисмоний чиниқиб, иродангизни тоблаш, қийинчиликларни енгиш йўлидаги интилишларингиз келгуси ҳаётингизда янги-янги ютуқларга эришишда, ҳар томонлама етук инсонлар бўлиб вояга етишингизда мустаҳкам пойдевор бўлишига ишонаман.

Бу спорт ўйинлари йилдан-йилга сизларнинг қувватингизга-қувват, ғайратингизга-ғайрат қўшиб, биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишингиз учун пухта замин яратади. Ўғил-қизлари ана шундай фазилатларга эга бўлган мамлакатнинг эса истиқболи албатта ёруғ бўлади.

Мана шу ҳаяжонли дақиқаларда сиз, озод юртимизнинг бахтиёр фарзандларини, бугунги шодиёна билан яна бир бор қутлар эканман, сизларнинг ёшлик шижоатингиз, салоҳият ва имкониятларингиз кўзгуси бўлмиш мусобақаларда барчангизга зафарлар тилайман.

Азиз фарзандларим, Ватан тинчлиги ва фаровонлиги, унинг буюк келажаги йўлида эл-юртнинг таянчи ва фидойиси бўлиб яшаш саодатини ҳар нарсадан баланд тутинг.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад тилайман, ғалаба доимо сизларга ҳамроҳ бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

— Қисқа давр мобайнида Ҳаракат ёшларимиз ҳаётига дадил кириб бора олди ҳамда уларнинг таянчига айланди. Ишонаманки, келгусида "Камолот" "қозонида" қайнаган ука-сингилларимиз юртимизнинг тараққиётига муносиб улуш қўшишади.

Муҳаммадқодир АБДУЛЛАЕВ,
Бокс бўйича Олимпия ўйинлари ғолиби

— Мамлакатимизда ёшларга берилаётган эътибор туфайли минглаб йигит-қизларимиз фан, маданият, иқтисодиёт, спорт, мусиқа ва бошқа кўплаб соҳаларда ўз қобилиятларини намойиш этишмоқда "Камолот" ўтган қисқа фурсатда республика ёшларининг маънавий-ақлий, жисмоний салоҳияти ошишига ижобий таъсир кўрсатди, деб бемалол айта оламиз.

Севара ҚОДИРОВА,
Ёшлар ўртасида стол тенниси бўйича жаҳон чемпиони



АССАЛОМ, ФАРҒОНА, ЁШЛИК ВА СПОРТ БАҲОРИ!

Ва ниҳоят, интиқлик ва муштоқлик билан кутилган 24 апрель тонгги бутун Фарғона кўчаларини файзга, фарғоналиклар қалбини ўзгача шоду хуррамлик, фахр-ифтихор туйғуларига тўлдирди. Шу куни эрта тонгдан Фарғона кўчаларини болаликнинг беғубор ва самимий кулгилари, шодон қийқириқлари, фақат ёшликкагина хос бўлган тоза, бокира орзу-ниятлар янада гўзал ва обод этди. Умуман, бу кун вилоятнинг ҳар бир қишлоғи, шаҳар ва туманлари кўринишида ёшликнинг, гўзалликнинг нафаси бордек. Бутун Фарғона аҳли "Умид ниҳоллари — 2002" спорт мусобақасини ана шундай кўтаринки кайфият билан кутиб олдилар.

Ҳатто кейинги бир-икки кун мобайнида бироз тундлашиб турган она-табиат ҳам гўё шу кунни интиқлик билан кутгандек. Эрта саҳардан бобо қуёш ҳароратли тафти ила борлиқни мунаввар ва нурафшон этди. Эрта тонгдан мусобақа иштирокчиларини қарши олишга чиққан вилоят мактаблари ўқувчилари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари, санъаткор ва спортчилар, умуман барча вилоят аҳли уларни катта хурсандчилик ва мамнуният билан кутиб олдилар. Шундан кейин вилоят марказига кираверишда жойлашган вилоят рамзий дарвозаси ёнида мазкур спорт мусобақаси машъаласини олиб келувчилар нон ва туз билан, мусиқа садолари остида, майин шабада ҳилпираб турган озод ва обод Ўзбекистон байроқлари билан кутиб олиндилар.

24 апрель. Соат 19:00. Файзли баҳор оқшоми чўка бошлаган Фарғона кўчалари ёп-ёруғ чироқлар оғушида, хиёбонлар, гулзорлар ҳар қачонгидан гавжум. Вилоятнинг марказий Фарғона ўйингоҳи узра тўлиб-тошган мусобақа иштирокчилари ва меҳмонлари мусобақанинг тантанали бошланаётгани гувоҳи бўлдилар. Дастлаб Фарғона вилояти ҳокими Алишер Отабоев барча йиғилганларни бевосита Президентимиз ташаббуси билан асос солинган ушбу мусобақа ила фарғоналиклар номидан самимий муборакбод этди. Шундан сўнг Президентимиз Ислом Каримовнинг мусобақа қатнашчиларига йўллаган табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Тўхтапўлат Рисқиев ўқиб эшиттирди. Ўзбекистон Мадҳияси янграгач, "Умид ниҳоллари — 2002" спорт мусобақаси иштирокчиларига оқ йўл берилди. Катта концерт дастури намойиш этилди. Маросим сўнггида мусобақа машъаласини ёшлар ўртасида стол тенниси бўйича жаҳон чемпиони Нилуфар Сотиболдиева ҳамда бокс бўйича Ўзбекистон чемпиони Дилшод Маҳмудовлар ёқишди.

Ботир МАДИЁРОВ,
«Turkiston» мухбири

«КАМОЛОТ»: БИР ЙИЛГА НАЗАР

Вақтнинг ўтишини қаранг, кечагина зўр шод- хуррамлик билан "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг таъсис қурултойини ўтказгандик. Бугун эса шунга бир йил тўлибди. Аслида, бир ёш тетапоя давр саналади. Бироқ ишлайман, изланаман деганлар йил давомида бир талай ишларни амалга оширишлари мумкин. Шу маънода, бугун биз ишонч билан айта оламиз, Ҳаракат ёшлар ҳаётидан мустаҳкам ўрин олди. Буни эса қуйидаги далиллардан ҳам пайқаш мумкин.

Ўтган даврда Ҳаракат Низом ва Дастур доирасида қуйи тизимларни ташкил этиш, шакллантириш билан боғлиқ ташкилий тадбирларга катта эътибор қаратди. Ташкилотни ёшларга яқиндан танитиш ва шу орқали уларни Ҳаракат аъзолигига жалб этиш мақсадида фаолиятнинг дастлабки даврида оммавий тадбирларга кўпроқ урғу берилди.

Ҳаракат ўз тақдирини эл-юрт тақдири билан боғлаган, Ватаннинг шаъни, ор-номуси учун кураша оладиган ёшларни ўз сафига тўплади. Барча олий ўқув юртлари, умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейларда, ташкилот, муассаса, корхоналарда Ҳаракатнинг бошланғич ташкилотлари тузилди. 14 ёшдан 28 ёшгача бўлганларнинг 4,2 млн. нафари Ҳаракат аъзоси бўлди. Бугун Ҳаракат аъзолари ислоҳотларни ҳаётга тадбиқ этишда фаол иштирок этмоқдалар. Бу эса Ҳаракат ўз олдига қўйган мақсадлардан биридир. Ёшларимиз Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигини таъминлашда четда турмаяптилар. Ўтган бир йил ичида Ҳаракат томонидан жами 25 мингдан ортиқ ёшлар иш билан таъминланди, 350 дан ортиқ ёшларга ўқиш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун банкдан кредит олишда кўмак берилди. Яна бир мисол, Гулистон тумани "Уч қаҳрамон" қишлоғида ёнғин туфайли уйсиз қолган ёш оилага Ҳаракат Сирдарё вилояти Кенгашининг ташаббуси билан қайтадан уй қурилиб топширилди. Ташаббус давом эттирилиб, Боёвут туманидаги "Иккинчи Боёвут" қишлоғида истиқомат қилувчи Дониёр Норчаевлар оиласи учун уч хонали уй қуриб берилди.

Ҳаракат ҳали "ёш" ташкилот бўлганлиги, тизимда фаолият кўрсатаётган ходимларнинг баъзилари ҳали етарли тажрибага эга эмаслиги боис барча ишлар ҳам кутилган натижаларни бераяпти, деб бўлмайди. Баъзида шу нарсаларнинг ҳам гувоҳи бўламизки, айрим етакчилар кундалик ишлар билан банд бўлиб, асосий вазифаларнинг ижро этилишига эриша олмаяптилар. Агар Ҳаракат ёш авлод манфаатини ҳимоя эта олса, ёшлар "Камолот"ни "Бу менинг ташкилотим", деб айта олади.

Ҳаракат нафақат етакчилар, балки барча аъзолардан фидойиликни талаб қилади. Шундагина бу йўлда зафарларга эришиш мумкин. Бугун ташкилотнинг аксарият фаоллари фидойи ёшлар. Улар Ҳаракатнинг дастурий мақсад ва вазифаларини ҳаётга тадбиқ этиш учун бор куч-ғайратларини сарф этиб меҳнат қилмоқдалар. Ҳаракатнинг асосий ғояси, яъни мақсади - ёшларимизни бирлаштириш, соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашларига кўмаклашиш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ёш йигит-қизларнинг ўз ақл-заковати, куч-ғайратини тўла намоён этиши учун зарур шарт-шароит яратиб бериш, ёш авлоднинг таянчи ва суянчи бўлишдан иборат экан, бу йўлда кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Ўтган даврда истиқлол ғояларини ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш мақсадида барча ўқув юртларида, ташкилот ва корхоналарда, меҳнат жамоаларида "Ватан ягонадир, Ватан биттадир!" шиори остида амалий мулоқотлар, учрашувлар ўтказилди.

Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда миллий истиқлол ғояларига бўлган садоқатни мустаҳкамлаш, ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш мақсадида барча умумтаълим мактабларидаги юқори синф ўқувчилари ўртасида "Шунқорлар" ҳарбий-спорт мусобақалари ўтказилди. Мусобақаларда ўқувчилар жанговар ва ҳарбий, спорт беллашувларидан ташқари ҳарбий бурч ва ҳарбий ҳуқуқий билимлар борасида куч синашдилар.

Ҳаракатнинг дастурий вазифаларини ёшларга атрофлича тушунтириш мақсадида "Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!" шиори остида жойларда "Камолот" кунлари" тадбирлари ўтказилди. Тадбирлар доирасида меҳнат ярмаркалари, турли мавзуларда очиқ мулоқотлар, спорт мусобақалари, кўргазмалар, фестиваллар ташкил этилди.

"Қарияларни қадрлаш давлат Дастури" ижросини таъминлаш мақсадида Ҳаракат тизимлари томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашда кексалар ҳаётий тажрибасининг бебаҳо аҳамияти тўғрисида ёшлар ўртасида "Фарзандлик бурчи", "Ака-укалик, оға-инилик илми" каби мавзуларда суҳбатлар ва бошқа тадбирлар ўтказилмоқда.

Ёшларнинг турли муаммоларини кўтариб чиқиш, эркин фикрлаш ва сўзлашга ўргатиш, ёшлар орасида учраб турадиган салбий ҳолатларни кескин танқид қилиш мақсадида "Қувноқлар ва зукколар" клублари жамоаларининг беллашувлари ўтказилмоқда.

Ҳаракат ташаббуси остида ҳашар йўли билан республикада барпо этилган 39 та, жорий таъмирланган 102 та оддий спорт майдончалари фойдаланишга топширилди, бирламчи спорт анжомлари билан таъминланди.

Мамлакатимиздаги тарихий, маданий ёдгорликлар, истиқлол йилларида қад кўтарган маънавий-маърифий иншоотлар билан ўқувчиларни таништириш мақсадида экскурсиялар ташкил этилди. Ҳаракатнинг Тошкент шаҳри Кенгаши томонидан умумтаълим мактаблари юқори синф ўқувчилари Олий Мажлис, Тошкент шаҳри ҳокимлиги биноси ва ушбу ташкилотларнинг фаолияти билан таништирилди.

ЮНЕСКО ташкилоти билан ҳамкорликда "Янги аср ёшлари" бешинчи халқаро лагери ташкил этилди. Лагер ишида Марказий Осиё давлатлари, Япония, Германия, АҚШ вакилларидан иборат ёшлар иштирок этдилар. Бир қатор хорижий ёшлар ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилиб, Миср Араб Республикаси, Италия, Озарбайжон давлатлари ёшлар ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик борасида ишлар олиб борилмоқда.

ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда "ОИТС ва жинсий йўл орқали юқадиган касалликлар ҳамда гиёҳвандлик тарқалишининг олдини олиш муаммолари" грант дастури доирасида жойларда тадбир ва акциялар уюштирилмоқда. Ушбу дастур 150 мингдан ортиқ ёшларни қамраб олди. 13 ёшдан 20 ёшгача бўлган ўттиз минг нафар ёшлар юқоридаги касалликлардан сақланиш йўллари ҳақида маълумотга эга бўлди.

Давлат мулк қўмитаси, Республика товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Бизнес-фонд, Деҳқон ва фермерлар уюшмаси билан биргаликда барча вилоят марказларида ёшлар учун "Кичик ва ўрта бизнес муаммолари: ечим ва истиқбол" мавзусида семинарлар босқичма-босқич ўтказилмоқда. Шу кунгача Нукус, Урганч, Бухоро, Навоий, Тошкент, Андижон, Наманган, Фарғона шаҳарларида шундай семинарлар ўтказилди. Унда жами етти юздан ортиқ ёш тадбиркорлар, юздан ортиқ кичик ва ўрта бизнес ривожланишига алоқадор бўлган ташкилот вакиллари қатнашди.

Афсуски, баъзан фаолларнинг у ёки бу соҳадаги билимларга етарлича эга эмаслиги туфайли ишни тўғри ташкил қилишда қатор муаммоларга дуч келинмоқда. Шунинг учун етакчиларнинг ўзлари ҳам ҳар томонлама етук, билимдон, ташкилотчи бўлишлари, турли соҳалардаги билимларини мунтазам равишда юксалтириб боришлари лозим.

Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов Ҳаракат ташкил этилаётганида "Камолот" ёшларнинг чинакам таянчи ва суянчи бўлсин" дея ният қилган эдилар. Дарҳақиқат, Ҳаракат ўтган даврда ёшларнинг дўсти, маслаҳатгўйи, ёрдамчисига айлана олди. Аммо ҳали бу йўлда қилиниши лозим бўлган ишлар қилинган ишлардан кўпроқ эканлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Шунга қарамай, ишонамизки, яқин келажакда Ҳаракат ёшлар ҳаётидан муносиб ўрин эгаллайди.

Шавкат АЛЛАНАЗАРОВ,
«Turkiston» мухбири

СИНОВ ДАВРИ

Ҳаракатнинг бир йиллик фаолияти давомида, албатта, таъкидлашга лойиқ кўпгина ишлар амалга оширилди. Аммо бир қанча қийинчилик ва муаммоларга ҳам дуч келинди. Улардан бири — иқтидорли ёшларни тўплаш, етакчилик қобилиятига ёшларни излаб топиб, уларга бошланғич ташкилотлар етакчилигини ишониб топшириш билан боғлиқдир. Дастлабки даврларда бошланғич ташкилотлар етакчиларининг тажрибасизлиги, ишни нимадан бошлаб, қандай ташкил қилишни билмаслиги иш фаолиятида бир қатор муаммоларни вужудга келтирди.

Бугунги кунда эса ушбу муаммоларни ҳал қилишдаги изчил ҳаракат туфайли етакчиларнинг кўпчилиги зарур иш тажрибасини тўплади, улар Низом ва Дастур негизида ёшлар ўртасида белгиланган вазифаларни амалга оширишга қодир.

Бир сўз билан ифодаласак, ўтган бир йил биз учун синов даври бўлди. Бу синовлардан муваффақиятли ўтиб, Ҳаракат ёшларнинг чинакам суянчи бўлишига ҳаракат қилмоқда.

Элбой БЕГМАНОВ,
Ҳаракатнинг Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси

«КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ

ДУНЁ БИЛАН ТАНИШИБ...

Ўзбекистон ва Озарбайжон Республикалари ёшлар ташкилотлари ўртасида ҳар томонлама алоқа ўрнатиш мақсадида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Қаҳрамон Қуронбоев Озарбайжон Республикасида хизмат сафарида бўлиб қайтди. Шу муносабат билан мухбиримиз Қаҳрамон Қуронбоевга бир неча саволлар билан мурожаат қилди.

— Сафардан кўзланган асосий мақсад ва унинг истиқболлари тўғрисида гапириб берсангиз?

— Саноат, ишлаб чиқариш, туризм ва бошқа соҳалар билан бир қаторда ёшлар ташкилотлари ўртасида ҳам алоқа ўрнатиш Ўзбекистон — Озарбайжон ҳукуматлараро комиссиясининг муҳим вазифаларидан бири қилиб белгиланган ва икки давлат ёшлар ташкилотлари ўртасида дўстона алоқаларни ўрнатишга кўмаклашиш мақсадида ёшлар делегацияларини ўзаро айирбошлашга келишиб олинган эди. Ушбу келишув битимига асосан Озарбайжон Республикаси спорт, туризм ва ёшлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати делегациясини Озарбайжонга таклиф қилди. Озарбайжон Республикаси ёшлар, спорт ва туризм вазири ўринбосари Интиғом Бобоев билан бўлиб ўтган учрашувда Ўзбекистон ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати шаънига илиқ гаплар айтиб ўтилди. Келгусидаги ҳамкорлик масалалари келишиб олинди.

— Янги Озарбайжон партиясининг Марказий қароргоҳида Ўзбекистон ёшлари делегацияси билан учрашув ташриф дастурига киритилган экан. Шу ҳақда тўхталсангиз.

— Ташрифнинг учинчи куни Янги Озарбайжон партияси раҳбарияти билан учрашув бўлиб ўтди. Партия раиси — Озарбайжон Республикаси Президенти Ҳ.Алиев бўлиб, ҳозирда унинг аъзолари сони 700 мингни ташкил қилар экан. Янги Озарбайжон партиясининг котиб муовини, Ёшлар бирлигининг бошлиғи, миллат вакили Сиёвуш Наврўзов партиянинг Марказий қароргоҳида Ўзбекистон ёшлари делегациясини қабул қилди. Партиянинг Миллий Мажлисдаги юксак мавқеи, республика тараққиётидаги ўрнига алоҳида тўхталиб ўтди. Меҳмонларни қизиқтирган саволларга жавоб берар экан, у Озарбайжон ёшларининг жамиятнинг сиёсий ҳаётида асосий ўрин эгаллашини ҳам таъкидлади. Шунингдек, учрашувда ЯОП ёшлар бирлигининг раис муовини Элмар Қосимов ва Оғали Алиев, ЯОП ёшлар бирлигининг идора ҳайъати аъзоси Абдин Фарзалиев, Интиғом Бобоевларнинг чиқишлари ҳам таассуротларга бой бўлди. Биз ҳам ўз навбатида Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган "Камолот" ёшлар Ҳаракатининг бугунги кундаги мақсад ва вазифалари хусусида гапириб, мамлакатимизнинг ёшларини эзгу ишларга йўналтириш, бу орқали эса демократик жамият қуриш йўлини танлаганлигини айтиб ўтдик.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтишни жоиз деб биламан, озарбайжонлик мезбонлар мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовга, унинг олиб бораётган сиёсатига катта баҳо берар эканлар, Ўзбекистоннинг ҳамиша тинчлик, бунёдкорлик тарафдори бўлиб келганлигини, дунё мамлакатлари ичида тинчликсевар сиёсат йўлидан бораётганлигини алоҳида таъкидлашди. Ташрифимизнинг тўртинчи куни Бош вазир ўринбосари Якуб Аюбов ҳам Озарбайжон Республикаси саноати, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқлари ҳақида батафсил маълумот берар экан, Ўзбекистон билан алоқаларга алоҳида урғу берди.

— Озарбайжон ёшларининг ҳаётда муносиб ўрин эгаллашларига кўмаклашиш, улар манфаатини ҳимоя қилишдан иборат вазифалар қандай уддаланар экан?

— Ёшларга ёрдам бериш жамғармасини бориб кўриб, унинг иш фаолияти билан яқиндан танишдик. Дунёнинг ўн бешдан ортиқ давлатида шундай ташкилотлари борлигини, иш фаолиятида асосан, ҳар йили ёшларнинг кам таъминланган қисмидан 160 нафарига стипендиялар ажратилишини, 300 нафар талабанинг харажатлари қопланишини ва бошқа хайрия ишларини гапириб берди.

— Ўзаро алоқаларнинг равнақ топиши келгусидаги амалга ошириладиган режалар салмоғига, қолаверса, ушбу давлатларнинг тинимсиз саъй-ҳаракатларига ҳам боғлиқ бўлади. Шундай эмасми?

— Озарбайжон Республикаси ёшлар, спорт ва туризм вазирининг биринчи ўринбосари Вагиф Алиев билан "Озарбайжон Республикаси ёшлар, спорт ва туризм вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг 2002-2003 йиллардаги ўзаро ҳамкорлиги шартномаси" имзоланди. Унинг замирида ҳамкорлигимиз янада ривожланади.

«Turkiston» мухбири Лола СОАТОВА суҳбатлашди

ДИЛБАР — ДАВР ҚИЗИ

Сарлавҳага кўзингиз тушиши биланоқ севимли ёзувчимиз Ойбекнинг шу номдаги асари ёдингизга тушиши мумкин. Аммо бу мақоламиз бу асар ҳақида эмас, мазмунан бирмунча унга яқин замонамизнинг яна бир дилбар қизи ҳақида бўлади.

Мабодо йўлингиз тушиб, Эллик-қалъага ўтгудек бўлсангиз, сизга маслаҳатим, аввало танишувни "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгашидан бошласангиз асло хато қилмайсиз. Кўнглингиз кўтарилади. Режангиздаги ишингизни бирмунча осон битказасиз.

Келинг, яхшиси, қуруқ мақтовдан кўра, у билан сизларни таништириб, амалга оширилаётган ишларга тўхталиб ўтайлик.

Дилбар ШАРИПОВА — Ҳаракатнинг туман Кенгаши раисаси. Гарчи бу вазифани бажаришга киришганига бир йил тўлган бўлмаса-да, бир қанча ибратли ишларни амалга ошириб, туман ёшларининг тилига тушди.

— "Элтекс"да оддий ишчиликдан иш бошлаб, цех бошлиғи вазифасигача ишлаганман. Кўпроқ туман миқёсидаги тадбирларни уюштириб, корхонадаги ёшларни атрофимга бирлаштира олганим боисданми, мени шу вазифага тавсия этишди, — дейди вазминлик ила иш фаолиятини таништира туриб Дилбархон. — Аввалига бироз саросимага тушдим. Шу вазифани бажара оламанми, йўқми, деган савол кўндаланг тушди. Ниҳоят, мен бу вазифани бажара оламан, деган хулосага келгандан сўнгтина ишга киришдим. Ҳозиргача "Камолот" аралашуви билан 600дан ортиқ ёшлар иш билан таъминланди. Шартнома асосида ўқийдиган 10 нафарга

яқин талабаларга туман "Пахтабанк"идан кредит олишга кўмаклашилди.

Ёшлар кичик ва ўрта бизнес ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлик билан иш бошлашига шароит яратишга ҳаракат қилаяпмиз. Жумладан, Холмурод Иброҳимовнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишига кўмаклашилди. Туманимизда жами 64 та мактаб ва 13 та боғча бор. Ўтган йили ана шу мактабларда ўқийдиган кам таъминланган оилалар фарзандларига 1320 дона куртка, 1320 дона ботинка, дўппи ҳамда қўлқоплар берилди.

Президентимизнинг "Амнистия тўғрисида"ги Фармонига асосан туманимизда 26 нафар киши озодликка чиқди. Шулардан 11 нафари ёшлар. Улар билан суҳбат ўтказилиб, тушунтириш ишлари олиб бордик ҳамда Раҳматулло Жабиев "Камолот" тавсиясига кўра ишга жойлаштирилди.

Ҳаракатнинг туман Кенгашига М.Собирова томонидан ўзига тегишли бўлган мерос уй-жойни ўзгалар томонидан талаш бўлиб тургани ва бу масалаларни ижобий ҳал этиб беришни сўраб ёзган аризаси бўйича иш олиб борилиб, туманимизда ёшларни ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш маркази билан биргаликда бу масалани ҳар томонлама ўрганиб, туман прокурори, Бўстон шаҳар ҳокими, туман нотариал идораси ходимлари билан маслаҳатлашиб, бу муаммони ижобий ҳал қилишга эришдик. Шунингдек, Бўстон Академик лицейининг талабаси Х.Хожаниязовнинг касаллиги туфайли дарсларни ўз вақтида ўзлаштира олмаганлиги учун талабалар сафидан четлаштирганлиги сабабли талабалар сафига қайта тикланиш тўғрисида ёрдам сўраб ёзган аризаси ижобий ҳал этилди.

Юқорида биз Дилбарни бежизга "давр қизи" дея атамадик. Жойларда нисбатан ёш бўлган ташкилотнинг мустаҳкам қаноти бўлиб, ёшларни атрофига бирлаштира олаётган, уларга керакли йўл-йўриқ ва маслаҳатлар улашаётган ҳаракатчан бу қизга шу ном жуда ярашиб тушгандек бўлди. Ўйлаймизки, "Камолот" сафида ана шундай ҳар жиҳатдан ўрнак бўларли ёш раҳбарларнинг кўпайиши "Камолот"нинг ёшлар орасидаги нуфузини янада оширади.

Шавкат АБДУҲОЛИҚ

ЎЗ ЎРНИ ВА НУФУЗИГА ЭГА

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати жуда тез фурсатларда бутун мамлакатимиз миқёсида кенг қулоч ёйди. Қувонч билан таъкидлаш жоизки, Ҳаракат ўтган бир йил мобайнида ёшларимизнинг чинакам таянчи ва суянчига айланди. Бу борада Фарғона вилоятида олиб борилаётган ишлар ҳам таҳсинга лойиқ. Вилоятда бир йил давомида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинадиган бўлса, Ҳаракатнинг вилоят Кенгаши билан олиб борилаётган ишлардан кўнглингиз тоғдек кўтарилади. Чунки ўтган қисқа вақт ичида вилоят "Камолот"чилари аксарият ёшлар қалбига йўл топиб, уларни ўз атрофларида бирлаштира олдилар. Ҳозирги кунга қадар "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Фарғона вилояти Кенгашида 2110 та бошланғич ташкилот мавжуд бўлиб, унинг аъзолари сони 405436 нафар ёшларни ташкил этади.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят Кенгаши ташаббуси билан "Ёшлар XXI асрга гиёҳванд моддаларсиз қадам қўймоқда" мавзуида ёшлар ўртасида жиноятчилик, гиёҳвандликнинг олдини олиш бўйича икки ойлиги ўтказилди. Бу давр мобайнида мутахассисларни жалб қилинган ҳолда оромгоҳлар, маҳаллалар, муассаса ва ташкилотларда 160 маротаба суҳбатлар уюштирилди. Бундан ташқари, Фарғона, Марғилон шаҳарлари, Риштон, Сўх туманларида ушбу мавзуда шоу дастурлар ташкил этилди.

Ҳаракатнинг асосий вазифаларидан бири —ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларни қўллаб-қувватлаш. Бир йил давомида кам таъминланган оилалар фарзандларига, ногиронларга, "Меҳрибонлик", "Мурувват" уйлари тарбияланувчиларига 900 000 сўмлик ўқув қуроллари, кийим-кечак, моддий ёрдам кўрсатилди.

Олий ўқув юртларида шартнома асосида ўқиётган 130 нафар талабаларга таълим кредитлари олишда амалий ёрдам кўрсатилди.

Фарғона вилоят Кенгаши тавсияси билан 224 нафар ишсиз ёшлар иш билан таъминланди, 36 нафари ўқишга йўналтирилди. Учрашувлар давомида тадбиркорлик, ёшларни иш билан таъминлаш уларнинг даромадлар манбаи ва фаровонлигини таъминлашнинг муҳим омили эканлиги, тадбиркорликни бошлаш учун тегишли жараёнлар, қонуний ҳужжатлар, кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланиш учун банк кредитларини олиш тўғрисида маълумот берилди.

Тошлоқ тумани Тўхтабоев номли қишлоқ фуқаролари йиғини ҳудудида жойлашган Заркент ширкат хўжалигидан ажратилган 6,3 гектар ер майдонида ободонлаштириш ишларини амалга ошириш учун "Ёшлар боғи" барпо этилди, унга "Умид ниҳоллари — 2002" деб ном берилди. Ҳозирги кунга қадар 2000 туп мевали, манзарали дарахт кўчатлари экилди.

Қаровсиз қолган спорт иншоотларини таъмирлаш мақсадида барча туман, шаҳар Кенгашлари ҳудуддаги спорт майдончаларини ҳомийликка олиб, ҳозирги кунга қадар Қўқон шаҳридаги 35-мактабнинг волейбол, баскетбол, футбол спорт майдончаларини таъмирлаш ишлари тугатилиб, фойдаланишга топширилди. Қува туманидаги 42-мактабнинг футбол майдончаси таъмирланди. Андижон вилоятининг Марҳамат туманидан тупроқ олиб келиниб, спорт майдончаси барпо этилди. Майдон атрофига 300 дан ортиқ мевали дарахт кўчатлари ўтказилди. Қиргули туманидаги 37-мактабнинг волейбол майдончаси таъмирланиб, ўқувчилар учун спорт жиҳозлари олиб берилди. Учқўприк тумани 24-мактабнинг волейбол майдончаси таъмирланди, жисмоний тарбия дарсига зарур бўлган спорт анжомлари топширилди. 50-ўрта мактаб янги қурилган бўлиб, мактабда ҳеч қандай ўйингоҳ ва ҳеч қандай спорт анжомлари йўқлиги инобатга олиниб, мактаб ёшлари учун волейбол майдончаси барпо этиш йўлга қўйилган эди. Шанбаликлар ва ҳашар йўли билан волейбол майдончаси қуриб битказилди.

Ёзёвон туманидаги Янгиобод қишлоғида қаровсиз қолган икки қаватли уйларни таъмирлаш, кам таъминланган ёш оилаларга яшаш учун топшириш ҳамда уларни иш билан таъминлаш мақсадида ушбу масалага ҳокимликлар, ташкилотлар эътиборини қаратиш ишлари олиб борилди. Ҳозирги кунга қадар 60 хонадонда ҳомийларни жалб қилган ҳолда таъмирлаш ишлари олиб бориляпти. Ҳозиргача 18 та хонадон таъмирланди.

— Муҳтарам Юртбошимиз бизга жуда катта ишонч билдириб, фаолиятимизга оқ йўл тилагандилар. Ўтган бир йил мобайнида аввало ана шу масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда, қолаверса, вилоят ёшларини эзгу мақсад йўлида бирлаштириш мақсадида астойдил фаолият олиб бордик, — дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят Кенгаши раиси Ғуломқодир Мамажонов. — Тўғри, ҳали олдимизда жуда кўп ишлар бор. Аммо вақт-соати билан барча орзу-ниятларимиз рўёбга чиқишига шак-шубҳа йўқ. Ўз навбатида бир йиллик қутлуғ сана вилоятимизда мамлакатимиз миқёсида ўтказилаётган "Умид ниҳоллари" мусобақалари ўтадиган кунлари а тўғри келиши ҳам бошимизни кўкка етказди. Бу бутун фарғоналиклар учун жуда катта фахр, ғурур бағишлади. Яқинда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкил этилганлигининг бир йиллиги муносабати билан Фарғона шаҳар Аҳмад ал-Фарғоний истироҳат боғида "Ёшлар куни" ўтказилди. Барча туман, шаҳар Кенгашлари ҳудуддаги ёшлар фаолиятини ёритадиган кўргазмалар, маданий дастурлар ташкил этилди.

"Умид ниҳоллари — 2002" боғига мусобақа иштирокчиларини ташриф буюриши ҳамда кўчат экишлари, таъмирланган спорт майдончаларига боришлари режалаштирилган. Бир ҳафта давомида турли хил учрашувлар, кечалар, вилоятнинг иқтидорли ёшлари билан учрашувлар ўтказиш мўлжалланган.

Хулоса ўрнида айтганда, ўтган бир йил мобайнида бутун мамлакатимизда бўлгани сингари Фарғонада ҳам "Камолот" ўз ўрни ва нуфузига эга бўлди. Энг асосийси, Ҳаракат ёшларнинг энг яқин кўмакчиси ҳамда ҳамкорига айлана олди. Бугунги кунда Ҳаракатнинг вилоят бўлими ҳали олдинда жуда катта ва жуда масъулиятли ишлар турганини ҳис қилган ҳолда фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Чунки мамлакатни фақат фидойилар юксалтиради. Жонажон Ўзбекистонимиз тараққиёти ва равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилаётган ёшларни янада юксакларга руҳлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш борасида "Камолот" ҳамиша олдинги сафларда бораверади...

Ботир ОМОН, «Turkiston» мухбири

— Мен "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бир ёшлик тўйи билан барча Ўзбекистон ёшларини табриклайман. Бу ташкилот қисқа давр ичида ўз олдига қўйган мақсадларининг бир қанчасини бажаришга улгурди, деб айтиш мумкин.

"Камолот" тўйининг баҳор байрамлари билан уйғунлашиб кетганида ҳам ўзига хос маъно бўлса керак. Баҳор ҳар бир хонадонга қувонч, бахт-саодат олиб келгани каби "Камолот" ҳам ёшлар қалбига қувонч, баҳорий куч-ғайрат олиб келишдан чарчамасин.

Илҳомжон ФАРМОНОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист

КЕЛАЖАК САРИ ҚАДАМ

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Навоий вилоят Кенгаши раиси Фахриддин СОЛИЕВ билан суҳбат

— Бугунги кунда Ҳаракатнинг вилоят ёшлари орасидаги ўрни сезиляптими?

— Айни пайтда вилоятимиз ёшларининг 162500 нафари Ҳаракатнинг фаол аъзоларидан ҳисобланади. Бошланғич ташкилотларнинг сони эса 775 тани ташкил этади. Ҳаракатнинг вилоят ёшлари орасидаги ўрни сезиларли даражада, дея оламан. Биз Учқудуқ, Зарафшон, Томди (вилоят марказидан 220-320 км. узоқликда) ва бошқа олис қишлоқ ва туманларда ёшлар билан учрашувлар, маънавий-маърифий, спорт тадбирларини ўтказдик.

Ҳозирча амалга оширилган ишларимиздан қониқиш ҳосил қилганимиз йўқ, олдимизда кўплаб вазифалар турибди, ёшларнинг муаммоларини ечишда, ёшлар қалбига кириб боришимизда анча вақт ва меҳнат талаб қилинади.

— Иқтидорли ёшларнинг қизиқишлари қай даражада ўрганилмоқда?

— Бир неча маротаба сўровнома ўтказдик. Барча учрашувларни ўтказишда уларнинг таклиф ва истакларини ҳам ўрганамиз. Ёшларни қизиқишларига қараб бирлаштириш мақсадида Ҳаракатнинг туман, шаҳар Кенгашлари ва бошланғич ташкилотлар қошида турли хил секциялар ва тўгараклар (жамоатчилик асосида) ташкил этиш режасини амалга оширмоқдамиз.

Вилоятимиз ёшлари илм олишга, спорт, санъат, шеърият, техникага жуда қизиқади.

— Ёшларни иш билан таъминлаш борасида "Камолот"нинг худудий бўлимларида айни пайтда қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Бандлик, меҳнатдан даромадга эга бўлиш бу демократик қадриятларнинг асосий тамойилларидан биридир. Вилоятимизда ҳар чоракда барча туман ва шаҳарларда бўш иш ўринлари ярмаркалари бўлиб ўтади. Ушбу ярмаркаларда "Камолот" ҳам ҳамкордир. Вилоят Меҳнат бошқармаси билан шартнома тузганмизки, айрим ташкилий масалаларни ечишда иштирокчимиз.

Шу йил Хатирчи туманида ўтказилган меҳнат ярмаркасида 25 нафар ёшлар, Навоий туманида 49, Навоий шаҳрида эса 200 нафардан ошиқ ёшлар ишга жойлашдилар.

— Ёшлар орасида жиноятчилик ва кашандаликнинг олдини олиш борасидаги ўтказилаётган амалий тадбирлар ўз натижасини беряптими?

— Таҳлилларга кўра, вилоятда ёшлар ўртасидаги жиноятчилик, гиёҳвандлик анча камайган. Прокуратура, адлия, милиция, ўқув юртлари билан ҳамкорликда амалий тадбирлар олиб бормоқдамиз. Ёшларимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш уларнинг Конституцион бурчларини билиши ва бажариши, қадриятларга ҳурмат уйғотиш мақсадида турли тарбиявий ишлар олиб бориляпти. Ҳозир туманларда мактаб ўқувчилари ўртасида "Сиз қонунни биласизми?" кўрик-танлови, "Ёшлар ва қонун" давра суҳбатлари ўтказилди. Бу танлов ўз навбатида ёшларнинг ҳуқуқий билимларини оширади.

Ўтган бир йилда қайбир ишингиздан кўнглингиз тўлди?

— Ишимиздан кўнглимиз тўлишга ва осойишталикка ҳали жуда эрта. Ишларимиз кўп, олдинда режаларимиз ҳам талайгина. Жорий йилда кўпроқ ёшларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг жисмонан тетик бўлишлари учун етарли шароит яратиш, Ҳаракатнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, бошланғич ташкилотлар ишини жонлантириш каби бир қатор вазифалар олдимизда турибди.

Жобир ХЎЖАҚУЛОВ суҳбатлашди

ҲЕЧ ҚАЧОН ЭСДАН ЧИҚАРМАЙДИ

— Қаердаки, ёшлар ҳақида гап қулоғимга чалинса, жуда ёқимли туюлади. Ўйлаб кўрсам, ёшлар билан ишлаш қанчалик оғир бўлмасин унинг ўзгача мароқли жиҳатлари ҳам бўларкан.

Чунки, қанчалик эътибор қаратиб, уларнинг орасига киришга ҳаракат қилсангиз , бунинг тезда натижаси кўзга ташланади. Айтайлик, бирон бир ёш айрим кимсаларнинг нотўғри муносабати натижасида адолатсизликка учраши мумкин. Шунда уларнинг асосий ҳимоячиси бўлиб, ёнини олиб, тўғри йўлга солиб юборсак, ўйлайманки, у ҳеч қачон "Камолот"ни эсдан чиқармайди. Нафақат ўзи, оила аъзолари, қариндош-уруғлари Ҳаракатни ҳурмат билан тилга олиб, жойларда обрў-эътиборини оширади. Ёки ... бу ҳақда жуда кўп мисоллар келтириш мумкин.

Бугун айримлар "Камолот"нинг вазифасини билиб-билмай жамоатчилик орасида "ёшлар ташкилоти қаёққа қараяпти" деган фикрлар пайдо қилади. Янги ташкил этилган "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг асосий вазифаси эса ёшларни ҳуқуқий ҳимоя этиб, келажакда муносиб инсон бўлиб етишишига тўғри йўл кўрсата билиш, деб биламан.

Ғанижон МАҚСУДОВ, Ҳаракатнинг Наманган вилоят Кенгаши раиси

ҚИЗИҚИШНИНГ ЎЗИ ЕТАРЛИ ЭМАС

Ҳаракатнинг Бухоро вилоят Кенгаши раиси Садриддин ШАРОПОВ билан суҳбат

— Ёшлар билан ишлашда Бухорода ҳам кейинги бир йилда ижобий силжиш кўзга ташланди. Албатта, бу "Камолот"нинг фаолият бошлагани билан боғлиқ. Айтинг-чи, Ҳаракатнинг вилоят Кенгаши ўз олдига қўйган вазифаларни қай даражада бажаряпти?

— Ҳаракат ёшларнинг катта қисмини қамраб ола билди. Вилоят миқёсида олсак, айни пайтда аҳолининг 45 фоизини ташкил этувчи 14-28 ёшдаги 705400 нафар ёшларнинг 60 фоизи ёки 421 минг нафари Ҳаракатга аъзо бўлган. Асосий аудиторияни мактаб, билим юрти ва олий ўқув юртларининг талабалари ташкил этмоқда. Ҳарбий қисмлар, саноат ва қурилиш тармоқларидаги ёшлар ҳам Ҳаракат фаолиятига тўлиқ жалб этилган. Фақат қишлоқ хўжалик корхоналари ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги бир қисм ёшлар билан бевосита муносабат ўрната олмаяпмиз. Лекин бу улар эътибордан четда қолаяпти, деган гап эмас. Бошланғич ташкилотлар тузилмаган бўлса-да, улар ҳам оммавий тадбирларимизда қатнашяптилар. Демак, энг муҳим вазифамиз, яъни, ёшларни бирлаштириш муваффақиятли бажариляпти.

— Фаолиятни қайси йўналишларда, қандай усулларда олиб бораётганларингизни мисоллар билан гапириб берсангиз?

— Бугунги кунда ёшлар билан боғлиқ бирор тадбир йўқки, унда "Камолот" иштирок этмаса. "Камолот"ни ёшларга таништириш мақсадида босма нашрлар чиқардик. Баъзилар фаолиятимизни четдан кузатиб туриб, "Камолот" фақат тадбир-бозлик билан шуғулланадими, дейишлари мумкин. Уларга жавобимиз шу: ҳар бир тадбирнинг замирида ёшлар учун муҳим бўлган ижтимоий масалаларнинг қайсидир даражадаги ечими ётибди. Масалан, маҳалла ёшлари ўртасида футбол мусобақаларини ўтказиш жараёнида вилоятнинг юзлаб қишлоқ ва маҳаллаларида болалар учун спорт майдончалари ташкил этилди, уларга ҳомийлар томонидан тўп, спорт кийимлари олиб берилди. Ёки "Талабалик — умрим баҳори" танловини олайлик, шу баҳонада ўқув юртлари ётоқхоналарига яна бир бор эътибор қаратилиб, талабалар учун қатор қулайликлар яратилди.

Бухорода "Камолот" ҳомийлигида Республика Болалар ташкилотининг биринчи форумини ўтказдик. "Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!" шиори остида ўтган бу форум дастуридан ташкилот етакчиларининг ўқув-семинари, қўшиқлар фестивали, спорт мусобақалари, "Биз киммиз?" мавзуидаги маърифий мунозаралар, асфальтга расм чизиш бўйича танлов ва бошқа қизиқарли учрашувлар ўрин олганди. Форум шаҳар ва туман Кенгашларидаги ташкилотчиларимизда ҳам катта таассурот уйғотди. Шундан сўнг бундай тадбирларни Ғиждувон, Когон, Шофиркон, Қоракўл туманларида ҳам ўтказдик.

Доимий эътиборимизда бўлган гиёҳвандлик ва жиноятчиликка қарши кураш, ишсизлик муаммоларини бартараф этиш бўйича тадбирларимиз ҳам ёмон натижа бермаяпти.

Бундан ташқари, Ҳаракатнинг бошқа вилоят ва шаҳарларидаги Кенгашлари билан ҳамкорлигимиз ҳам ишимизга ижобий таъсир кўрсатяпти. Шу йилнинг ўзида Самарқанд вилояти ва Тошкент шаҳар Сирғали тумани ёшлар ташкилотлари билан ўзаро тажриба алмашиб қайтдик.

— Демак, вилоятда ёшларнинг ижтимоий фаоллиги, "Камолот"га қизиқиши ошиб бораяпти, шундайми?

— Албатта. Ҳозир исталган йигит-қиздан "Камолот"ни биласизми, деб сўрасангиз, ҳеч бўлмаса, бир-иккита тадбиримизни эсга олади. Менимча, янгилик ва ўзгаришларга қизиқиш ёшларда ҳамма вақт бўлиб келган ва бўлади. Бироқ қизиқишнинг ўзигина етарли эмас, бунинг учун ҳаракат қилиш керак. "Камолот" ана шу ҳаракатни юзага келтирди. Ўйлайманки, бу ҳаракат энди янада кучаяди.

«Turkiston» мухбири Саидбурҳон ҚОДИРОВ суҳбатлашди

ТАЪСИС ЭТИЛГАНИГА БИР ЙИЛ ТЎЛДИ

— Кейинги йиллар юртимизда бунёдкор ёшлар даври бўлади, — дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Жиззах вилояти Кенгаши раиси Анвар Темиров.

ЭНГ МУҲИМИ — БИРЛАШИШ

— Ҳақиқатдан ҳам кейинги йиллар бунёдкор ёшлар даври бўлишига бошқаларни қандай ишонтира оласиз?

— Аввало, буни вақт исботлайди. Бугунги ёшларимиз кейинги ўн йил ичида ҳар томонлама пишиб етилди. Муҳими, улар ҳар жиҳатдан шаклланиб бўлди. Энди уларни тўғри йўналтириш ва бирлаштириш зарур, холос. Ҳозирги ёшлар ғайрати-шижоатли. Мақсадимиз буюк келажакни кафолатлаш экан, албатта ёшларнинг интилишига яраша ҳаракат қилмоқ лозим.

— Бироқ бутун тараққиётни фақатгина ёшлар билан боғлаб қўйиш ҳам тўғри бўлмаса керак?

— Ёшлардаги куч-қудрат, тушуниш ва тезкорлик бошқаларда йўқ. Барча давлатлар мисолида кўришингиз мумкинки, дунёни асосан ёшлар тараққиёт, изланиш сари ундамоқда.

— Шундай экан, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати юртимиз ва бутун дунё ёшлари ўртасидаги муносабатни чуқурлаштириш учун айни паллада нималар қилмоқда ва бунинг келажагини қандай тасаввур этасиз?

— Йилига юзлаб ёшларимиз хориждаги энг нуфузли ўқув юртларини муваффақиятли тугатиб қайтмоқда. Бу талабалар нафақат ўз соҳалари бўйича чуқур билимга эга бўлмоқда, балки дунё ёшларининг ҳаёти, ҳаракати, интилиш ва изланишлари билан ҳам жиддий танишмоқда. Масалан, йилига тахминан юз нафар талаба хориждан диплом олиб келса, биз улар билан ишлаш жараёнида юз хил янгиликни ҳам билиб оламиз. "Камолот" шу томондан энг маъқул ишларни, режаларни амалга оширмоқда. Хорижлик ёшлар билан алоқани янада мустаҳкамлаш учун нафақат талабаларни, эҳтимол иш билан банд бўлганларни, "Камолот" фаолларини ҳам вақти-вақти билан чет элга сафарбар этиб турсак, фойдадан ҳоли бўлмайди.

— "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкил этилгандан буён ўтган бир йил давомида Жиззах вилоятининг ёшлари ҳаётида, фикр-ўйида қандай ижобий ўзгаришлар юз берди?

— "Камолот" вилоятимиз ёшлари ҳаётига турли тадбир ва ташаббуслар билан кириб бора олди, дейиши мумкин. Ҳамма бир-бирини синовдан ўтказди. Мактабларда, лицей ва коллежларда, институт ва университетларда "Камолот" шаклланди. Ўз ҳомийларига, фидойи аъзоларига эга бўлди. Муҳими, ёшлар ушбу ташкилотнинг нима учун ташкил этилганлигини англаб етдилар.

Тадбирлар масаласига келсак, ҳаммаси ёшларимиз истагандек олиб борилмоқда. Саёҳатлар, семинарлар, баҳс ва мунозаралар, турли танловлар, мусобақалар узлуксиз ўтказилмоқда. Бу борада ёшлар фаолликни ўз қўлига олган. Айниқса, Болалар ташкилотининг олиб бораётган ишларидан жуда мамнунман. 2002 йилнинг дастлабки даврида "Ўзбекистон — она юртим" қўшиқлар танлови, "Ким эпчилу, ким чаққон?" спорт мусобақаси, "Ёшлар гиёҳванд моддаларга қарши" давра суҳбатлари, "Иқбол", "Қизлар давраси" дастурлари ҳамда таниқли кишилар, сиёсатчилар, ҳуқуқшунослар билан мунтазам учрашувлар ўтказилди.

— Менимча, ўрта мактабни битирган, ҳарбий хизматдан қайтиб келган ва вақтинча иш тополмаётган ёшларни ҳам "Камолот" назардан қочирмаслиги лозим?

— Худди шу мақсадда ширкат ва фермер хўжаликларида ҳам бошланғич ташкилот етакчилари иш олиб боришмоқда. Қишлоқ ёшларига ғамхўрлик қилиш, уларни керагича иш билан таъминлаш, оғирини енгил қилиш асосий вазифамиз саналади. Тўғри, ўтган бир йил давомида ҳамманинг кўнглига кириб боролмагандирмиз. Бироқ шу билан фаолиятимиз ҳам тўхтагани йўқ. Биз ишлашда, бирикишда давом этамиз. Қолганини вақт кўрсатади.

Сурайё САТТОРОВА суҳбатлашди

ИШОНЧНИ ОҚЛАШ ДАРКОР

Аввало, олиб бораётган ишларимиз ва амалга оширишимиз керак бўлган режаларимизни хаёлимга келтириб сарҳисоблайман. Хўш, нима қилдик? Яна нималар қилишимиз керак? Аслида, ёшлар ташкилотида тўхтамай, тинмай ишлаш талаб қилинади. Биз бунинг учун кўпроқ ўзимиз хоҳлаганча эмас, балки ёшларнинг ўй-фикрлари, қарашларини ўрганиб, ўзаро кенгашиб фаолият юритишимиз керак. Мактаблардаги тадбирларда нима учун доим фаол ўқувчилар қатнашади-ю, паст баҳоларга ўқийдиган, камсуқум болалар чеккага сурилиб қолади. Биз ўшаларга эътибор қаратишимиз лозим. Ўтказган ўттиздан ортиқ турли тадбирларимиздан ўнга яқинини анкета-саволлари ташкил қилади. Бу бизга нафақат ёшлар дунёқарашини ўрганишга, балки уюштирмоқчи бўлган тадбирларимизнинг йўналишини маълум бир маънода белгилайди ҳам. Шунақанги ёшларимиз борки, оғзаки айтолмаган кечинмаларини бемалол қоғозга тўкиб солишади. Мактабларда ўқиётган ота-онасиз болалар ўртасида ўтказилган "Менинг орзуим" мавзусидаги иншоларни ўқиб, юқоридаги фикрга келдим. Бу ўксик қалблар бирлари шифокор, айримлари санъаткор... Хуллас, ўзлари қизиққан соҳаларини эгаллаб, келажакда зўр инсон бўлишга интилишларини болаларча соддалик билан ифодалашган.

Уларнинг вояга етишлари, яхши инсон бўлиб улғайишлари бизга ҳам боғлиқ, албатта. Шунинг учун ҳам ёшлар бизга ишониб, ўзларига етакчи қилиб сайлашган. Буни оқлашимиз даркор.

Наманган шаҳридаги 16 дан ортиқ олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, 54 та мактабда таҳсил олаётган 78 мингдан зиёд ёшлар Ҳаракатга аъзо. Ёшларнинг ҳар кунги фаолиятидан хабардор бўлибгина қолмай, ҳаммаларини бирлаштириб, улар оламига кириб боришимиз керак. Талаба кундузи дарс билан банд бўлади. Сўнг ётоқхонага келиб, айримлари китоб ўқиса, айримлари бекорчиликдан бош қашлайди. Худди шу пайтда биз уларни турли йўналишдаги тадбирларга жалб қиламиз. Бирор бир ҳуқуқшунос, руҳшунос, ИИБ ходимларидан, қўйинг-ки, ёшларни қизиқтирган саволларга жавоб берадиган мутахассисларни чақириб, учрашув ўтказамиз. Мақсад — ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш. Мактабларда эса "Саховатли болалар" гуруҳини ташкил қилганмиз. Улар дарсдан сўнг шаҳардаги қаровчисиз қарияларнинг юмушига қарашади.

Хуллас, бугун бир тадбирни тугатсак, эртага янгиси бошланади. Албатта, бу тадбирлар ўзидан ўзи ўтмайди. Айниқса, маблағ масаласида. Биз доим Наманган "Атлас", "Нотўқимачи", "Электротерм" ҳиссадорлик жамиятлари ва "Нур" корхонасига суянамиз, уларнинг ҳомийлигига таянамиз. Ана шулар кўмагида қирқ беш нафар талаба, ўқувчиларимиз Фарғона ва Қўқондаги азиз қадамжоларга саёҳат қилиб қайтишди. Туғма ногирон етти ёшли Зуҳра Ғофуровага ногиронлар аравачасини туҳфа этишга эришдик. Ҳомийларимизнинг доимо бизга елкадошлиги ва шаҳар халқ таълими, "Маҳалла" хайрия жамғармасининг ёрдамларидан қувонамиз.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатида ишлаб, тинмай ҳаракат қилиш зиммага қанчалар юмуш юкласа-да, шунчалар шарафли. Бу ташкилотда ишлаганимдан фахрланаман.

Тоҳиржон МАМАСОДИКОВ, Ҳаракатнинг Наманган шаҳар Кенгаши раиси

«КАМОЛОТ» САХОВАТИ

«МЕҲРИБОНЛИК УЙИ»ГА МИНГТА КИТОБ

Инсонлардаги энг гўзал сифатлардан бири олийжанобликдир. Бу сифат кишиларнинг бир-бирига, кўпроқ муҳтожларга, етим-есирларга кўрсатаётган яхшилиги билан ўлчанади.

Яқинда бир ёш шоирнинг китобини ўқиб қолдим. Тўплам "Меҳр "Қизил китоб"га кирди" номли шеър билан бошланади. Қайта-қайта ўқийман. Меҳр.... шунчалик ноёб бўлиб қолдимикан? Ахир, меҳр-муҳаббатсиз инсонларнинг бу оламда яшашларидан не маъно бор, ўзи? Инсонларнинг дунёга келишдан мақсади бир-бирига яхшилик, меҳр-оқибат, олийжаноблик кўрсатишдан иборат-ку!

Шу хаёллар билан ишхонада ўтирганимда телефон жиринглаб қолди. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Сурхондарё вилоят Кенгаши раиси А.Хўжамқулов экан: "Шанба куни Бойсунга "Меҳрибонлик уйи"га бораяпмиз. Сиз ҳам бирга борсангиз".

Ўша куни "Камолот"чилар билан бирга ота-она меҳридан бебаҳра фарзандлар ҳузурига бордик. Уларнинг мунгли кўзларига, маъюс чеҳраларига боқдик, кемтик қалбларида ва ҳаракатларида минг бир маъно яширинган бу беғубор болаларнинг ҳаёти, фикру ўйлари, орзую армонлари билан яқиндан танишдик.

Барчасининг қалбида бир армон мужассам: "Нега мен ота-онам қучоғида эмасман?".

— Уларнинг баъзиларининг отаси, баъзиларининг эса онаси бор, — дейди "Меҳрибонлик уйи" директори Бўри ака. — Тарбияланаётган 185 нафар ўғил-қизларнинг барчаси турли сабаблар туфайли келиб қолган. Афсуски, бу масканда улар учун барча шароитлар бўлгани билан бир нарса — ота-она, яқин қариндошлар меҳри етишмаслиги ҳар лаҳзада сезилиб қолади.

Меҳрга ташна бу болажонлар кайфиятини кўтариш ниятида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят ва шаҳар, туман Кенгашлари раислари, ўрта мактаблар, касб-ҳунар таълими тизимидаги ўқув муассасалари, ташкилот ва корхоналар ҳамда банк тизимидаги бошланғич ташкилот етакчилари ташаббус билан чиқишди. Қалби кемтик бу болажонларнинг яхши ўқишлари, маънавияти бой бўлишларини истаб кейинги икки-уч ой давомида мингга яқин адабий-бадиий, тарихий ва ўқув дарсликларини жамлашди. Ўша куни тўпланган бу китоблар совғасаломлар билан биргаликда болажонларга топширилди. "Камолот"чилар ўзларининг самимий дил изҳорларини баён этишди. Болалар ҳам, тарбиячи-ўқитувчилари ҳам бу эҳсондан шодланишди, қайта-қайта ташаккурлар айтишиб, қўшиқ-рақслар ижро этишди, ёд олган шеърларидан айтиб беришди.

— Меҳрибонлик уйи"да тарбиланаётган ўқувчиларга яна 1200 та дарсликлар керак экан. Барча туман, шаҳар Кенгашларимиз етакчилари билан маслаҳатлашиб, ушбу китобларни ҳам тез орада олиб беришга келишиб олдик, — дейди А.Хўжамқулов.

Инсон бор экан, бу оламда меҳр барқарор бўлади. Ҳаёт давом этаркан, дунёда саховат ва яхшилик уруғи сочилаверади.

Демак, меҳрни "Қизил китоб"га киритиш борасида қайғуришга ўрин йўқ.

ЧОРИ ЖУМАҚУЛОВ, «Turkiston» муҳбири

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Наманган шаҳар Кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган саховатли болалар гуруҳи қариялар ҳузурида



ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН

Бу йил мактабни тамомлайман. Орзуларим жуда кўп. Қишлоқдаги тенгдошларим билан ҳар гал келажак тўғрисида баҳслашганимизда, ҳамма нарса ҳаракатга боғлиқ, деган хулосага келамиз. Чиндан ҳам шундай. Мамлакатимизда ёшларни қўллаб-қувватлайдиган ташкилот бор. Бу қалбимизда фахр туйғусини янада оширади. Ўз навбатида "Камолот" ёшларнинг таянчига айланиб бораяпти. Биз ҳам четда турмай, унинг юксалиши учун ҳаракат қилишимиз зарур. Ахир, қарс икки қўлдан, деган ҳикматли сўз бекорга айтилмаган-ку.

Дилсўз ЭРНАЗАРОВА, Қашқадарё вилояти

ЯҚИН МАСЛАҲДОШ

Талабаликнинг иккинчи йилида муаммога дуч келгандим. Шартнома тўловини ўз вақтида тўлайолмай юрганимда, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Фарғона вилоят Кенгаши ёрдам кўрсатиб, ўқишим учун шароит яратиб берди. "Камолот" ҳаётимнинг яхши томонга ўзгаришига, муаммоларимнинг ечимини топишда яқин маслаҳдош бўлди.

Келажакда олган билимларимни тадбиқ қилиб, "Камолот"нинг янада юксалиши учун астойдил хизмат қилишни истайман.

Абдумутал ЎКТАМОВ, Фарғона вилояти

«КАМОЛОТ» ЕТАКЧИЛАРИ

ЁНИБ ЯШАШ БАХТИ

Маълумки, бугунга келиб республикамизнинг барча олий ўқув юртларида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бошланғич ташкилоти етакчилари фаоллик билан иш олиб бормоқда. Талабалар билан ишлаш, маслаҳатлар, йўл-йўриқлар кўрсатиб, уларнинг таянчи бўлишга улгурган олий ўқув юртлари етакчиларининг меҳнатлари чиндан-да таҳсинга сазовордир. Демак, ўз-ўзига, ўзгаларга билдирилаётган ишонч бугуннинг ёшларини юксакликка, комиллик пиллапояларига етаклаши шубҳасиз.

Оллокул ХУДОЙБЕРДИЕВ—

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент Фармацевтика институти бошланғич ташкилоти етакчиси:

— Институтимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Боиси, бизда таҳсил олаётган талабаларнинг кўпчилигини иқтидорлилар ташкил этади. Улар билан ишлаш янада қизиқарли ва мароқли. Яхши ўқиш асосий вазифамиз ва бурчимиздир. Билим даражасини янада ошириш мақсадида институтимизда инглиз тили ҳамда компьютер курслари ташкил этилган. Мақсадимиз ёшлар билан ишлаш экан, бу йўлда дуч келинадиган ҳар қандай тўсиқларни имконият даражасида енгишга ҳаракат қиляпмиз. Бундан ташқари, институт маъмурияти билан ҳамкорлигимиз яхши йўлга қўйилган. Талабаларнинг дарсдан бўш вақтларида ишлашлари учун ҳам шароит яратилган. Қолаверса, ётоқхоналарда истиқомат қилаётган йигит-қизларнинг турмуш тарзини янада яхшилаш, уларнинг бўш вақтларини унумли ўтказишда ҳам ташкилотнинг ўрни, даражаси, мавқеи алоҳида сезилмоқда. Яна бир нарсани мамнуният билан айтишим керакки, билимга қизиқиши бор талабалар учун кутубхонамиз кечқурун соат ўнгача ишлайди. Бу илм-фан тараққиёти, ўз ёркин келажаги учун қайғурадиган, юраги шижоатга тўла ёшлар учун яна бир қулайликдир.

Ёшлик унутилмас лаҳзалар билан янада гўзал. Талабаликнинг олтин даври ҳам айни шу дамларни ёдга олиш билан ўлчанади. Мен фахр билан айтишим жоиз бўлган қувноқ, ҳозиржавоб талабалардан тузилган "Фармед", "Офарин" жамоалари неча йилдирки, "Қувноқлар ва эҳкоплар" баҳсида фахрли ўринларни эгаллашмоқда.

Қайси йўналишда фаолият кўрсатмайлик, мақсадимиз бир: "Шу азиз юрт учун ёниб яшаш". Бу баландпарвоз гап эмас. Бу "Камолот"чилар ва аъзолларнинг дилидаги, тилидаги маслакдир.

Анваржон ҚУРБОНОВ —

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент Давлат санъатшунослик институти бошланғич ташкилоти етакчиси:

— Барча олий ўқув юртларида "Камолот" бошланғич ташкилотларининг ташкил этилиши талабалар ҳаётини тубдан ўзгартирди, десам янглишмайман. Биринчи навбатда ёшларда "Камолот"га нисбатан ишонч пайдо бўлди. Бу кичкина гап эмас. Биргина институтимиз мисолида айтадиган бўлсам, бошланғич ташкилот ташкил этилганидан сўнг талабаларимизни эркин ижод қилишлари учун имконият яратилди. Шунингдек, қобилиятли талабаларни рағбатлантириш, дарсни ўзлаштиришда қийналаётган талабаларни оталиққа олиш, йўл-йўриқ кўрсатиш, кам таъминланган оила фарзандларига иложи борича моддий ёрдам кўрсатиш асосий вазифаларимиздан бирига айланди. Тўғри, ютуқларимиз билан бирга камчиликларимиз ҳам бор. Ўзгалардан ўрнак олиб, хато ва камчиликларни тўғрилаш, ёшларнинг фахрига, ғурурига айланиш биз етакчиларни аъзоларимиз олдида ягона мақсад сари интилишга ундайди.

Зеро, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкил этилганига эндигина бир йил тўлди. Шундай экан, тарозига қўйиладиган хайрли ишлар ҳали олдинда. Муҳими, ташкилотнинг ўз аъзолари, Ватан тараққиёти учун хизмат қиладиган йигит-қизлари бор!

Зиёда АШУРОВА, Рустам ҲАЙДАРОВ

ҚЎШ КЛУБ

Клублар ҳақида гап кетганда, ёшларнинг онги ва шуурига таъсири, уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиб кетишидаги аҳамияти тўғрисида кўпроқ гапирилади.

Клублар ўз атрофига орзу-интилишлари бир хил бўлган ёшларни бирлаштиради. Ёшлар муаммоларини ўрганишда, уларни таҳлил қилиб чиқиш ва имконият даражасида ҳал қилишда клубларнинг ўрни беқиёс-дир. Яқинда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати "Бухоротекст" ҳиссадорлик жамияти 1-йигирув-тўқув фабрикаси бошланғич ташкилоти қошида "Фидоий ёшлар" ва "Қизлар" клуби тузилди.

Клублар фаолияти эндигина йўлга қўйилган бўлса-да, аъзолар сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Уларнинг мақсад ва вазифалари бир талай.

Жондилло НАРЗИЕВ, Ҳаракатнинг "Бухоротекст" ҳиссадорлик жамияти 1-йигирув-тўқув фабрикасидаги бошланғич ташкилоти етакчиси

"2002 йилнинг 26 апрель куни соат 10-00 да "Farmeksim" Очиқ Акционерлик Жамияти акционерларининг навбатдан ташқари йиғилиши бўлади.

Йиғилишда кўриладиган масалалар:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг акцияларни меҳнат жамоаси ўртасида тақсимлаш тўғрисидаги 09.03.2001 йилдаги № 119-сонли буйруғининг бажарилиши тўғрисида.

2. Бошқа ижтимоий ва молиявий аҳамиятдаги масалалар

Маълумот учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент ш, Ғани Мавлонов кўчаси 37-уй, телефонлар: 34-62-36, 34-72-48. Назорат кенгаши".

БИР ЙИЛЛИККА БАҒИШЛАНДИ

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Қашқадарё вилоят Кенгаши ҳамда вилоят ҳокимлиги, касб-ҳунар ҳудудий бошқармаси ҳамкорликда вилоят ёшлари ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларни спорт мусобақаларига оммавий равишда жалб қилиш мақсадида спортнинг югуриш тури бўйича "КРОСС" мусобақасини ўтказди.

Биринчи минтақа ўйинлари Қарши шаҳридаги "Насаф" ўйингоҳида бўлиб, унда Қарши шаҳри, Қарши, Нишон, Касби, Косон, Муборак, Ғузор, Деҳқонобод, Усмон Юсупов туманларининг ўқув юртлари жамоалари иштирок этишди.

Иккинчи минтақа ўйинлари Шаҳрисабз шаҳридаги футбол майдонида бўлиб, унда Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ, Чироқчи, Қамаши туманлари ўқув юртлари жамоалари иштирок этди.

Мусобақада ғолиб деб топилган Феруза Пардаева (Қарши қурилиш коллежи), Гулноза Раҳимова (Қарши Давлат университети қошидаги академик лицей), Райҳон Нурматова (Қарши педагогика коллежи), Санжар Соатов (Қарши иқтисодиёт коллежи), Фахриддин Чориев (Қарши педагогика коллежи), Аҳад Бегматов (Қарши Давлат университети қошидаги академик лицей) каби элликка яқин талабалар Ҳаракатнинг вилоят Кенгаши томонидан таъсис этилган фахрий ёрлиқлар ва қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Аббос ДЎЛАНОВ

«ZAKOVAT» YULDUZLARI

Байрам куни кўринмадингиз

ҲАР КИМНИНГ ЎЗ ЎРНИ БОР

Зебо ШОМИРОВА: — Ўзбекистон Миллий университети иқтисодиёт факультетининг тўртинчи босқич талабаси. "Заковат" интеллектуал телеўйинининг фаол иштирокчиларидан бири.

— "Заковатга" аъзо бўлишингиз осон кечмагандир?

— Йўқ, унчалик қийин бўлмаган. Ўтган йилнинг бошида кўрсатув ижодкорлари университетимизга келиб, бир неча талабани савол йўли билан танлаб олди. Улар орасида, не бахтки, мен ҳам бор эдим.

— Клуб аъзолари ўзаро тренинг машғулотларида йиғилиб туришини эшитганмиз. У нимани англатади?

— Тренинг бу ўзига хос синов. Ҳозир клубнинг аъзолар сони йигирма беш нафарга етиб қолди.

Ўйлайманки, ўйинлар оралиғида мунтазам равишда тренинг машғулотлари олиб борилганлиги боисидан ҳам кўрсатувнинг даражаси ошиб бораётгандек. Умуман, ўтказилувчи бундай баҳс-мунозаралар жамоаларни руҳий тайёрлайди. Саволларни қисқа муддат ичида мушоҳада қила олишимизни таъминлайди.

— Интеллектуал ўйиннинг савияси қай даражада ошган ёки ошмаганига энг холис баҳони, албатта, томашабин беради. Лекин мухлисларни бир савол қизиқтиради. Кўрсатувнинг Янги йил оқшомида ўтказилган байрам сонида кўринмадингиз. Балки хорижга йўлланмани қўлга киритишингиз мумкинмиди?

— Рости, ана шу ўйинда барчамиз қатнашишни истаганмиз. Иштирокчилар телетомошабинлардан келган хатлар асосида сараланиб олинди. Ўша кунги жамоа нисбатан кўп овоз тўплай олганлардан иборат эди. Хорижга йўлланма масаласига келсак, бу ерда адолатсизлик бўлмади.

— Тўртинчи жамоада иштирок этаётган Моҳичеҳра келгунича клубда ягона қиз-иштирокчи эканлигингиз, сизга қандайдир ноқулайлик туғдирганми?

— Бу ҳолат менга бирор устунлик ёки ноқулайлик туғдирди, дея олмайман. Мен ҳам ҳамма қатнашчилар қатори ўйнаганман.

— Жамоангизнинг энг фаол аъзоларидан бири Фарҳод Акбаровнинг АҚШга кетиши ўйинларингизга салбий таъсир қилди. Шундай эмасми?

— Жамоада ҳар бир қатнашчининг ўз ўрни бор. Шу маънода Фарҳоднинг АҚШга кетиши қолган иштирокчиларга таъсир этмай қолмади. Менимча, бу борада аниқ бир нима дейиш қийин. Сўнгги кўрсатувда Фарҳоднинг ўрнига қатнашган Мурод Ҳамроев ҳам ёмон ўйнамади.

— Ҳар бир ўйинда жуда жиддий ўйнайсиз.

— Билмадим, балки кўрсатув пайтида жиддий кўринарман. Лекин ўзимни ўта жиддий, деб билмайман. Дўстлар даврасида хушчақчақ, ўйинда жиддийман.

«Заковат»га таклифлар

***Жуманазар МЕЛИҚУЛОВ, журналист** — Ушбу интеллектуал ўйинни мана бир йилдирки, мунтазам кузатиб бораман. Ўйин фақат ёшлар билан чекланиб қолмоқда. Ваҳоланки, уни янада оммавий қилиш учун катта ёшдагилардан ҳам жамоаларга жалб этиш керак.*

Бундан ташқари, берилаётган ҳар бир савол нафақат иштирокчи, балки томашабин учун ҳам фойдали бўлишига эришиш лозим. Демоқчиманки, даврага ташланаётган ҳар қандай жумбоқ одамларимизнинг кундалик ўйлаб юрган саволлари бўлсин. Мисол учун, дейлик Полинезия ороллaридаги маъбуднинг исми нималигию, Даниядаги скат балиқларнинг ўрмонларни йўқ қилишдаги ҳиссаси нимадан иборат бўлганлиги сизу бизга нечоғли муҳим? Ахир, бундай "рақамли" саволлар эртага барчанинг ёдидан кўтарилиб кетади. Бинобарин, ҳар бир савол иштирокчию тингловчини фақат эслашга эмас, балки тафаккурга, мушоҳадага ундасин. Яъни, мантиқий саволларни кўпайтириш лозим. Ўйлайманки, ўшанда "Заковат" нафақат шу пайтгача тўплай олган аудиториясини сақлаб қолади, ҳатто уни янада кенгайтиради.

***Остонжон АБДИЕВ, иқтисодчи** — Сўнгги кўрсатувларнинг бирида қатнашишни хоҳлаётган ҳар бир ёш қандай тартибда иштирокчи бўлиши айтиб ўтилди. Бунинг учун Фарғона водийсидагилар "Инфо-ворд" газетасига мурожаат қилиши мумкин экан. Лекин қолган вилоятлардагилар-чи? Улар кимга, қаерга мурожаат этишлари керак? Бунинг йўллари ҳам топилса ўринли бўларди.*

Яна бир гап. Айрим ўйин натижаларига кўра жамоалар анча кучсиз эканлиги сезилиб қолаяпти. Агар бу жамоалар ўз фаолияти давомида бир ёки икки маротаба капта ҳисобда мағлубиятга учраса, уларни ўйинлардан маълум муддатга четлаштирилса ёмон бўлмасди.

Абдулазиз РАҲМАТОВ тайёрлади

МИЖОЗЛАР ДИҚҚАТИГА!!!

«ЎЗТАДБИРКОРБАНК»НИНГ СИРДАРЁ ВИЛОЯТ БОШҚАРМАСИ 2002 ЙИЛДА СИЗЛАРГА ҚУЙИДАГИ ОМОНАТ ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

1.«ТАДБИРКОР» — 6 ОЙГА 35 фоиз
2.«ХИРМОН» — 1 ЙИЛГА, 35 фоиз
3.«БОЛАЖОН» — 3 ЙИЛГА, 24 фоиз
4.«СОҒЛОМ АВЛОД» — 3 ЙИЛГА, 60 фоиз
5.«ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ» — 1 ЙИЛГА, 40 фоиз

Ушбу қўйилган омонатлар сир сақланиши кафолатланади.
Туман «Тадбиркорбанк» бўлимлари манзили:

Гулистон шаҳри, Бўстон кўчаси, 30-уй. **Тел:25-36-91, 25-47-45**	Сирдарё шаҳри, Навоий кўчаси, 56-уй. **Тел: 57-26-91, 57-12-62**
Янгиер шаҳри, Самарқанд кўчаси, 6-уй **Тел:72-20-50, 72-21-94**	Боёвут тумани, Боёвут шаҳарчаси, Тинчлик кўчаси, 4-уй **Тел: 32-2-27-76**

ҚЎШРАБОТДА ЁШЛАР САЙЛИ

Баҳор нафақат табиат, борлиқнинг уйғониши, балки инсон қалбидаги эзгуликларнинг, орзу-ҳаваслар-нинг ҳам уйғонишидир. Самарқанд вилояти "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари ташаббуси билан Қўшработда ёшлар сайли ўтказилди. Қир-адирларни кўм-кўк гиламдек қоплаган майсалар тебраниб, бу йилги баҳор ўзгача келганини исботлаб турибди. Сайилгоҳга Қўшработ аҳли, атроф қишлоқлардан, кўшни туманлардан кексаю ёш йиғилди. Сайилгоҳ узра шўх куй-қўшиқларнинг садолари янгради. Хушовоз хонанда Шуҳрат Қаюмовнинг қўшиқлари барчага кўтаринки руҳ бағишлади. Йиғилганларни туман ҳокими Фахриддин Ҳамроев, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят Кенгаши раиси Баҳодир Шароповлар қутлашди. Биз қатнашчилар билан байрам таассуротлари ҳақида суҳбатлашдик.

Боймурод ота САРИБОЕВ — пенсионер:

— Мен умр бўйи чўпонлик касбини ардоқлаб келдим. Сўнгги икки-уч йил давомидаги қурғоқчилик бироз қийнаб қўйган эди. Бу йилни қаранг, осмондан тинмай ризқ тушиб турибди. Далалар, қирйўловлар ўт-ўлан билан қопланиб қолди. Бу ризқ. Оллоҳга шукр. Минг бора шукр. Ёшларга ҳавасим келаяпти. Улар учун Президентимиз қанчадан-қанча имкониятлар эшигини очиб берди. Боши омон бўлсин, илоҳим. Эй ўғлим, ёшларга қараб ёш бўлиб қолгим келаяпти.

Шоҳиста АБДУРАҲИМОВА — талаба:

— Яқин орада туманимизда бундай байрам бўлган эмас. Бунинг учун туманимиз раҳбарияти, вилоят "Камолот"чиларидан миннатдормиз. Ана шундай анжуманлар тез-тез бўлиб турса. Таниқли санъаткорлар, ёзувчи-шоирлар келса, биз ёшлар учун айни муддао бўлар эди.

Динора НУРМАНОВА—талаба:

— Биласиз, Қўшработ вилоятимизнинг энг чекка туманларидан бири ҳисобланади. Тадбирлар бундай кенг миқёсда ҳар доим ҳам бўлавермайди. Мен қатори барча қўшработликлар "Камолот"чилар томонидан уюштирилган бу сайилдан жуда қувондик. Таассуротларимиз бир олам. Яна бир нарса кўнглимизни кўтарди. Туман раҳбарлари, "Камолот"чилар қарияларимизнинг ҳолидан хабар олишди, совға-саломлар улашдилар. Мактабларда бўлишиб, ўқувчиларни "Камолот" сафига қабул қилдилар.

Қўшработ Эргаш Жуманбулбулдек бахшилар, шоиру ёзувчилар, олиму фозиллар юрти. Қўшработ фарзандлари бугун республикамизнинг турли бурчакларида халқимизга хизмат қилмоқдалар. Ўзбек шеъриятининг навқирон вакили, хокисор инсон, марҳум шоир Равшан Файз ҳам Қўшработ фарзанди эди. Қўшработга йўлимиз тушиб, Равшан акани хотирладик, эсладик. Бевақт йўқотиш бўлмаганида, у ҳали қанчадан-қанча Қўшработнинг зилол булоқларидай беғубор шеърлар ёзиб, кўнгилларни кўтарган бўларди.

Содиқ НАМОЗОВ, «Turkiston» мухбири

«Turkiston» ҲАҲВАҲОНАСИ

ЮЛДУЗ АБДУЛЛАЕВАНИНГ СОЧИ УЗУН БЎЛГАНМИ?

Юлдуз Абдуллаеванинг санъаткор бўлиб танилганига ҳам ўн беш йилча бўлиб қолди. У санъатга эндигина кириб келаётганда биз талаба эдик. Қизлар Юлдузхоннинг "Соғинаман, йўллар қарайман" қўшиғини мириқиб айтарди. Талабалар, учун яхши қўшиқ эди. Университетни битириб, ҳаммамиз тарқалиб кетдик. Қўшиқ эса юракларда қолаверди. Яқинда, Юлдуз Абдуллаевани таҳририятга таклиф этдик ва бир дилкаш суҳбат қуриб, уни сизларга етказишни лозим топдик.

— Юлдузхон, одатда ҳақиқий санъаткорлар ўз мухлисларидан бир қадам олдинда юради. Фақат янги қўшиқ айтаверади. Эскилари эса ортда қолиб кетаверади. Биз ўша ортда қолаётган қўшиқларни. Эшитгимиз келаверади. Бироқ санъаткор фақат янгисини ва ундан ҳам яхшисини айтсам, дейди. Бу табиий ҳол.

— Мухлислар, албатта фақат яхши қўшиқ эшитсам, дейди. Санъаткор эса ҳамиша янгисини айтишга шайланади. Бу ҳаётнинг талаби. Аммо шуниси борки, санъатда бир жойда туриб бўлмайди. Фақат интилиш, олдинга юриш керак.

— Эски қўшиқларингизга ачинмайсизми?

— Илгари айтилган қўшиқлар бисотингизда худди катта бўлиб қолган фарзандларингиздек бўлиб қолаверади. Мухлислар талаб қилган жойда қайта-қайта айтаверасиз. Лекин янгисини айтганга нима етсин.

— Баъзан янги қўшиқлар эскисининг ўрнини босолмайди-да?

— Эҳтимол, шундайдир. Мен ҳам илгари айтган қўшиқларимни тинглаб, нега бунчалик оғир алфозда айтган эканман, деб ўйланиб қоламан баъзан. Менимча, инсоннинг феъли, ўзлиги, ижоди ҳам ўзгариб бориши шу бўлса керак.

— Ҳаётда тезкорлик ҳукмрон. Кейинги беш-олти йил ичида пайдо бўлган қўшиқчиларнинг хиргойисини фақат йигирма-йигирма беш ёшгача бўлган мухлислар эшитиши мумкин, холос. Бу, менимча яхши бўлмаса керак?

— Ҳақиқатдан ҳам ёмон иллат бу. Биласизми, бунинг олдини олиш учун нима қилиш зарур? Ҳар қандай санъаткор ижод гармониясини англамоғи даркор. Яъни, мослашув бўлиши шарт. Шундагина олдинга қўйилган мақсадларга тўла-тўкис эришса бўлади. Санъат халқники. Мухлис эса анойи эмас, барибир яхшисини танлаб эшитади. Ижодига қараб санъаткорлар ҳам сараланиб бораверади. Мана, оламдан ўтганига бир неча ўн йил бўлишидан қатъий назар, Комилжон Отаниёзовнинг, Маъмуржон Узоқовнинг қўшиқларини ҳалигача мароқ билан тинглаймиз. Демак, яхши санъат, яхши санъаткор ҳамиша биз билан яшайди, десак муболаға бўлмайди.

— Ёдингизда бўлса, бундан бир неча йил муқаддам севимли "Ёш куч" журналида журналист Ҳалим Саййиднинг сиз билан бир суҳбати чиққан эди. Журналист бизга сизни ва сиз яшайдиган ётоқхонани шундай тасвирлаганди: Шинамгина хона. Бу ерга келган одам Юлдузни келажакда фаришталар, озода уй бекаси бўлишини дарҳол англайди. Ойна, китоб-дафтар, суратлар кўп. Деворда икки ўрим соч ҳам осиғлиқ турибди. У ҳам Юлдузга тегишли экан... Мен унинг узун сочларини нега кесиб ташлаганини сўрай олмадим...

— Ҳақиқатдан ҳам ёшлигимда сочим жуда узун эди. Дастлаб, 9-синфда ўқиб юрганимда қирқиб ташлаганман. Кейин яна ўсди. "Ёш куч" журналидаги суҳбатга келсак, Ҳалим Саййиднинг қачон келганини, нималар ҳақида суҳбатлашганимизни аниқ эслайман. Бундан ўн икки йил илгари ҳаммамиз бошқача бўлганмиз. Биласизми, дастлаб Тошкентга келганимда сочларим жуда узун эди. Негадир тез ўсади. Одатда узун ва мафтункор сочлар ҳамиша инсонни гўзал қилиб кўрсатади. Гўзалликка эса бутун олам ташна. Бас, шундай экан, бугунги кунда замонга қараб ўзига оро бераётган опа-сингилларимиз ҳам, шу жумладан ижод аҳли ҳам ҳамиша хушрўй, хушсурат бўлиб юришни истайди.

— Баъзан таҳририятимизга кўпгина санъат ихлосмандлари телефон қилиб, ёки хат йўллаб, нима учундир санъаткорларнинг кечроқ турмуш қуришига жавоб олмоқчи бўлади. Сиз худди шу саволга нима дейсиз?

— Аввало турмуш қуришнинг, бахтли, тинч-тотув яшашнинг эрта-кечи бўлмаса керак. Лекин начора, буни ҳаёт дейдилар. Паст-баланд, яхшилик ва ёмонлик ҳамиша қадам-бақадам юради. Мухлислар бу саволни нима мақсадда сўрайди — билмадим-у, аммо мен оила, бахт-иқбол, камкўст деган ҳаётий неъматларни табиий деб тушунаман. Эҳтимол, санъаткорлар ҳамиша элнинг назарида бўлганлиги учун ҳам улар тўғрисида баъзида миш-мишлар тарқалади. Аслида, ҳаммамиз бир хил инсонлармиз. Мен ўз вақтида оилали бўлганман. Ҳозир етти ёшли қизим бор, исми Фарангиз. Турмуш ўртоғим санъатни ҳам, мени ҳам яхши тушунади.

— Ҳозир ижодингиз айнан гуллаган ёшдасиз. Хўш, шу ёшга кириб ҳаётдан нима топдингиз? Ўтган умрингизни ўзингизча қандай баҳолайсиз.

— Яхшини ҳам, ёмонни ҳам кўрдим. Ҳаётда бамайлихотир ва бемалол яшаш нақадар мушкул иш эканлигини англаб етдим. Биласизми, айни пайтда бирор бир хизмат кўрсатишга, элнинг назаридаги инсон бўлишга интилаётганларга осон эмас. Хуллас, ўтаётган умримдан хурсандман. Бу вақт мобайнида мен одамларнинг, қавм-қариндошу дўст-ўртоқларнинг қай даражада садоқатли эканлигини тушуниб етдим. Ва бемалол айта оламанки, мен ҳаётда қандай яшаш зарурлигини англадим ва айнан муҳаббат билан яшаш кераклигини тушундим.

Нормурод МУСОМОВ суҳбатлашди

"TURKISTON" QALDIRG`OCHLARI

УМИД

Озод юрт ўғлисан, озод элинг бор,
Умидсан, ўз мақсад, орзуларинг бор,
Ватанга не бердим, деган ўйинг бор,
Шу ўйда ватандош дўстларим бари,
"Камолот" етаклар — камолот сари.

Умидим, йўлларинг нурафшон бўлсин,
Бу йўлда топганинг шараф-шон бўлсин,
Илоҳим, бошгинанг соғ-омон бўлсин,
Қаддингни тик тутиб, олға бос, қани,
"Камолот" етаклар — камолот сари.

М.РАЖАБОВА,
Навоий шаҳар амалий тасвирий санъат лицейи "Камолот" бошланғич ташкилоти етакчиси

ТИЛАК

Тетапоя ғўдакларга ёруғ йўллар тилашар,
Улғайгач, мардлик ҳамда жасоратлар кутишар.
Яхши ният-муродга етказади, дейишар,
Сенга камолот тилаб, дейман унгин "Камолот"!

Босган шаҳдам қадамларинг қутлуғ бўлсин, "Камолот",
Аждодларнинг пок руҳи ҳар қадамда қўлласин,
Она-Ватанинг Сени суюк фарзанддай кўрсин,
Фахр-ифтихор билан, дейман, унгин "Камолот",
Ватанимнинг таянчи, суянчи бўл, "Камолот"!

Шамсия ХЎЖАМОВА,
Нурота шаҳридаги 5-мактаб ўқитувчиси

ИШОНЧ БЕРГИЛ

Йироқ кетсам, дуолари ҳамроҳим,
Қайғу, ҳам қувончимда паноҳим,
Гуноҳим ва савобимга гувоҳим,
Кечир мени бўлса агар гуноҳим,
Волидамга умр бергин, Оллоҳим,
Илм нима, иймон нима билмасдим,
Меҳри каби илиқ меҳр сезмасдим,
Унингсиз мен шеърни севиб ўсмасдим,
Унга сўзсиз бир умр қилай таъзим,
Устозимга умр бергин, эй, Тангрим.

ТАРК ЭТМА БАҲОР

Нур сочганда меҳрибон қуёш,
Қора булут тўкканда кўз ёш,
Кўк майсалар кўтарганда бош,
Баҳор, менга бўлгансан йўлдош.
Мана келдинг гулларга такрор,
Сувлар тўлиб оқмоқда анҳор,
Майли кечсин мендан мангу қор,
Фақат мени ташлаб этма баҳор.

ВАТАНИМ

Жаннат ичра ниҳол эдинг,
Бўстон бўлдинг ун йилда.
Миттигина шеърим эдинг,
Достон бўлдинг ўн йилда.

Неча аср ўзбексан, деб,
Боғладилар қўлингни.
Энди ҳеч ким тўсолмайди
Ўз танлаган йўлингни.

Юртни кезсанг, ўзбеклигинг,
Яширдинг-ку кўзда нам.
Энди сени дунё танир,
Шундайин бўл, бўлма кам.

Холида МАТҚУРБОНОВА,
Урганч Давлат университети талабаси

Паттабоев Абдунаби Гаппарович номига А №610462 рақамли берилган имтиёзли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

"SAADA" хусусий фирмаси тугатилади. Даъво ва аризалар бир ой муддат ичида қабул қилинади. **Тел: 40-39-16**	ООО "HUMOIK" ликвидируется. Притензии принимается в течение одного месяца. **Тел: 110-37-60**	Икромов Шавкат Рустамович номига савдо қилиш ҳуқуқини берувчи рўйхат рақами 1643 СИ № 14209 сонли берилган гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**	В связи с ликвидацией ЧФ "Egreen" все претензии принимаются в течение месяца. **Тел: 56-33-04**	"Электрокабель таъминот" шўъба корхонаси тугатилади. Даъво ва аризалар бир ой муддат ичида қабул қилинади. **Тел: 162-04-02**

КУЛГИ БЕКАТИ

Велопойга мусобақаси бошланиши олдидан она ўғлига насиҳат қилмоқда.

— Ўғлим, сен албатта ғолиб бўласан. Фақат эҳтиёт бўл, тез ҳайдама!

* * *

— Сени "эшак" деган йигит қайси?

—Билмадим. Уни биринчи марта кўришим.

—Қизиқ, у бир кўришда сени қаёқдан таний қолди.

* * *

Уй соҳибаси уста чақиртирди. Уста келгач:

— Биласизми, жавонимизнинг эшикларига бир нарса бўлган. Кўчадан трамвай ўтди, дегунча очилиб кетаверади, - дея тушунтирди у.

Уста жиҳознинг у ёқ-бу ёғини қараб кўрди, лекин носозликни тополмади. Кейин туфлисини ечди-да, жавоннинг ичига кириб, эшикни ёпди.

Худди шу пайт уй соҳибасининг эри кириб келди. Қарасаки, бегона эркакнинг оёқ кийими турибди. Шаҳд билан бориб жавонни очди, қараса ичкарида нотаниш эркак ўтирибди.

— Сен бу ерда нима қилаяпсан? — ажабланиб сўради эр.

— Биласизми? Барибир ишонмайсиз-у, лекин мен трамвай кутаяпман, — каловланиб жавоб қайтарди уста.

Холхўжа БАДИЕВ тўплади

СКАНВОРД



Тузувчи: Маҳмуд ҚАЮМОВ

Turkiston
МУАССИС: «КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ

Газета Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитасида № 00012 рақам билан рўйхатдан ўтган.

Босишга топшириш вақти-21.00 Топширилди 21.00

1 2 3 4 5 6

Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2.

Бош муҳаррир: Салим АШУРОВ

Таҳрир ҳайъати:
Ботир УБАЙДУЛЛАЕВ, Комил ЮСУПОВ, Аслиддин БОЛИЕВ, Юсуф ЖЎРАЕВ (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир МАХСИТОВ, Анвар ЖАББОРОВ, Ислом ҲАМРО, Ғайрат ШОУМАРОВ, Авазхон СОДИҚОВ, Насриддин МУҲАММАДИЕВ, Шоазим МИНОВАРОВ, Ғаффор ҲОТАМОВ, Абдували ЖУМАЕВ

Вилоят мухбирлари:
Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари бўйича — *Термизда:* 8-37-622 —3-53-88
Бухоро ва Навоий вилоятлари бўйича — *Бухорода:* 8-36-52 — 23-37-44
Сирдарё, Жиззах ва Тошкент вилоятлари бўйича — *Гулистонда:* 8-36-72 — 24-02-86
Фарғона, Андижон вилоятлари бўйича — *Фарғонада:* 8-37-32 — 24-54-61
Самарқанд вилояти бўйича —*Самарқандда:* 8-36-62 —34-43-89
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича — *Урганчда:* 8-362-22 — 7-45-
Наманган вилояти бўйича — *Наманганда: 8-36-922 — 6-10-70*

Манзилимиз: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: 133-95-97, Реклама бўлими: (3712) 133-79-69

Таҳририятга юборилган материаллар қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Буюртма Г. — 31 10. Адади-8428

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

Навбатчи муҳаррир: Воҳид БОЙМУРОДОВ
Саҳифаловчи: Нодирбек ОРТИҚОВ